



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI UMUMIY
VA NOORGANIK KIMYO INSTITUTI**

«KIMYO VA KIMYOVIY TEXNOLOGIYA YO'NALISHIDAGI DOLZARB MUAMMOLAR»

**RESPUBLIKA MIQYOSIDAGI YOSH OLIMLAR UCHUN TASHKIL ETILAYOTGAN ONLAYN
ILMIY VA ILMIY-AMALIY ANJUMANI**



Toshkent, 2021 yil 20-21 dekabr

Бобокулова М.Б. СОЯ ЎСИМЛИГИ ТАРКИБИДАГИ ИЗОФЛОВАНОИДЛАРНИНГ ДОРИВОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ	188
Botirov A.N., Odinaboev D.A., Xidirova G., O'rozova O'.F. MONOMETILOL KARBAMIDNING KOORDINATSION BIRIKMALARI.	189
Худанов У.О., Содиқов Н., Умматова Д.А. ИЗМИНЕНИЕ СВОЙСТВА КОЖИ ПРИ ДУБЛЕНИЕ ЭКСТРАКТАМИ РАСТЕНИЙ	192
Хошимов Ш.М., Абдикамалова А.Б., Эшметов И.Д. ҚИЗИЛМИЯ ИЛДИЗПОЯСИ АСОСИДАГИ ФАОЛЛАНТИРИЛГАН КЎМИРНИНГ АДСОРБЦИОН ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ	194
Файзуллаева З.Х., Хасанова С.Х. АРАЛАШ ТОЛАЛИ ТЎҚИМАЧИЛИК МАТОСИГА АНТИСТАТИК ХОССА БЕРИШ	195
Ҳакимов Ш.Д., Жумабаев Ф.Р., Шарипов А.Т. АЛЬФА-ЛИПОЙ КИСЛОТАНИНГ 2-ГИДРОКСИПРОПИЛ БЕТТА - ЦИКЛОДЕКСТРИН БИЛАН БАРҚАРОР КОЛЛОИД ЭРИТМАСИНИ ОЛИШ	196
Шарипов А.Т., Мирзохидова М.М. ЙОДНИНГ СУВДА ЭРУВЧАН СУПРАМОЛЕКУЛЯР БИРИКМАСИ СИНТЕЗИ.....	197
Алиев А.А., Аслонов А.А. МОТОР МОЙЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАШ СОҲАЛАРИ.	199
Хурсандов Б.Ш., Юсупов Ф.М., Каримова З.Э. ОПРЕДЕЛЕНИЕ ОПТИМАЛЬНОГО КОЛИЧЕСТВА СЕРЫ В СОСТАВЕ СЕРНОГО БИТУМА	200
Хамидов Б.Н., Алиев А.А., Аслонов А.А. МОТОР МОЙЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	201
Жумабаев Ф.Р., Хайруллаев Д.Х., Шарипов А.Т. ТИОЦИН СУБСТАНЦИЯСИНИНГ СИНТЕЗИ ВА ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ	202
Мухаммадиева Д.А., Эркабаев Ф.И., Бурхонова С.К. ХРОМАТ ТУТГАН САНОАТ ОҚОВА СУВЛАРИНИ ЭЛЕКТРОКИМЁВИЙ УСУЛДА ТОЗАЛАШДА ЭТИЛЕНГЛИКОЛНИНГ ТАЪСИРИ.....	203
Hokimov A.E. AMMIK SINTEZIDA ELEKTROLIZ USULINING ANAMIYATI	205
Eshmetov R.J., Salixanova D.S., Kalbaev A.M. COMPOSITION OF DEEMULSIFIERS FOR DEHYDRATION AND DESALINATION OF OIL THE EFFECT OF ULTRASOUND.....	206
Жумабоева З.З., Якубов Й.Ю. LiZSM-5 РУСУМИДАГИ ЦЕОЛИТДА УГЛЕРОД (IV) ОКСИДИНИНГ АДСОРБЦИЯ ИССИҚЛИГИ.....	208
Ражабов Ш.Ш., Юнусов М.Ю., Мирзакулов Х.Ч. СОДА ЗАВОДИНИНГ ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДА БЕТОН АРАЛАШМАСИНИНГ СУВТАЛАБЛИК ХУСУСИЯТИ ТАДҚИҚОТИ	209
Rajabova Q.Q., Ro'zmetov U.O'. ATOM-ABSORBSION ANALIZ USULI VA UNING FARMASEVTIKADA O'RNI.	211
Музаффарова Н.Ш., Бекмирзаев Э.Р., Шарипова Ф.С. СИНТЕЗ ОЛИГОМЕРА- АНТИПРЕНА, СОДЕРЖАЩЕГО АЗОТ, ФОСФОР И ЦИНК.	212
Ergashev D.A., Akramjonov A.A. TARKIBIDA MIKRO ELEMENTLAR TUTGAN SUYUQ O'G'ITLAR OLISH TECHNOLOGIYASI.....	213
Сапаров С., Меглиев С. ИККИЛАМЧИ ПОЛИМЕРЛАРНИ ФИЗИК-КИМЁВИЙ МОДИФИКАЦИЯЛАШ	215
Сапаров С., Меглиев С. ИККИЛАМЧИ ПОЛИМЕР ЧИҚИНДИЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ МУАММОЛАРИ	216
Сапаров С., Меглиев С. ИККИЛАМЧИ ПОЛИМЕРЛАРНИ СТРУКТУР- КИМЁВИЙ ЖИҲАТДАН ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	218

Тадқиқ қилинаётган аралаш толали мато таркибидаги нитрон толасининг солиштирма юзавий электрланиш қаршилиги тола шакллантириш жараёнида антистатик препаратлар ёрдамида пасайтирилади, бироқ матони бўяш ва гул босишга тайёрлаш жараёнида уни ювилиб кетиши туфайли матога қайтадан антистатик пардоз бериш лозим бўлади.

Амалда антистатик препарат сифатида ёғ кислоталари ёки спиртлар ҳосилалари асосида тайёрланган ноионоген, катионоактив ҳамда анионоактив типдаги тўқимачилик ёрдамчи сирт актив моддалари қўлланилади. Изланишлар учун антистатик препарат эпамин-06, юмшатувчи Aquasoft HS, кучсиз ишқорий муҳитни таъминловчи - натрий бикарбонат асосидаги аппрет танланди. Аппрет таркиби 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Аппретлаш ваннаси таркиби

Кимёвий реагент номи	Концентрация, г/л				
	Таркиб тартиб рақами				
	1	2	3	4	5
Эпамин-06	20	40	60	80	100
NaHCO ₃	6	6	6	6	6
Юмшатувчи	2	4	6	8	10

Изланишлар давомида аппретлаш таркиби компонентлари: натрий бикарбонат 6 г/л миқдорида ўзгармас ҳолатда, эпамин-06 концентрацияси 20÷100 г/л, юмшатувчи эса 2÷10 г/л концентрациялар оралиғида мато физик-механик кўрсаткичларига таъсири таҳлил қилинди. Ёғловчи сифатида олинган антистатик препарат эпамин-06 концентрацияси 60 г/л бўлганда мато электростатик потенциали 37 Вольтдан дан 9 Вольтга пасайишига эришилди. Эпамин-06 гидрофиль гуруҳлар ҳисобига ҳаводаги сувни боғлаб, ток ўтказувчи муҳитни ҳосил қилади ва матода электростатик заряд тўпланишини пасайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кричевский Г.Е. Химическая технология текстильных материалов: Учеб. для вузов в 3-х т. Т.2. М., 2001, 540 с.

АЛЬФА-ЛИПОЙ КИСЛОТАНИНГ 2-ГИДРОКСИПРОПИЛ БЕТТА - ЦИКЛОДЕКСТРИН БИЛАН БАРҚАРОР КОЛЛОИД ЭРИТМАСИНИ ОЛИШ

Ҳакимов Ш.Д., Жумабаев Ф.Р., Шарипов А.Т.

*Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон
sharipov.avez@gmail.com*

Липой кислотаси - табиий антиоксидант бирикма бўлиб, оз миқдорда ўсимлик ва ҳайвонлар, шу жумладан, инсон организмида синтезланади. Унинг антиоксидантлик хоссасидан диабет, атеросклероз, жигар ва оксидловчи стресс каби патологик касалликларни даволашда қўлланилади. Альфа-липой кислотанинг юқорида кўрсатилган сурункали касалликларни даволашда самарадорлигидан ташқари, олимлар унинг турли хил саратон турларида ижобий таъсир кучига эга эканлигини аниқлашган. Унинг таркибида 2 та олтингугурт атомлари осон оксидланиш хусусиятига эга. Бу эса ўз навбатида ундан фойдаланиш имкониятларини маълум даражада чеклайди. Шунинг

кўра, липой кислотанинг антиоксидантлик хоссасини сақлаб қолган ҳолда унинг барқарорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш ҳозирда долзарб муаммодир.

Ишнинг мақсади. Альфа-липой кислотанинг сувдаги барқарор коллоид эритмасини олиш.

Натижалар. Дастлаб липой кислотанинг этилендиаминли тузидан 0,1875 г ўлчаб олиниб, стаканга утказилди ва 10 мл тозаланган сув ёрдамида эритилди. Алоҳида 100 мл ҳажмли стаканга 1,4 г 2-гидроксипропил β - циклодекстрин моддаси солинди ҳамда 30 мл тозаланган сув солинди. Стакан магнитли аралаштиргичга (иситкичли) қўйиб хона ҳароратида эриб кетгунига қадар 500 айланиш/дақ тезликда аралаштирилди. Ҳосил қилинган эритмага доимий аралаштирилиб турган ҳолда, устига томчилатиб (10 томчи/дақ) олдиндан тайёрлаб олинган липой кислота этилендиаминли тузининг эритмаси қўшилди. Реакция 25±2°C ҳарорат, 500 айланиш/дақ тезликда 2,5 соат давомида олиб борилди. Реакцион муҳитда липой кислота тузидан эркин кислота ҳосил қилиш учун эритмага 1 моль/л хлорид кислота эритмасидан рН 6 бўлгунига қадар оздан қўшиб борилди.

Олинган коллоид эритма турғунлиги хона шароитида 6 ой давомида ўрганиб борилди. Натижалар таҳлили у 6 ой давомида коллоид барқарор эканлигини кўрсатди. Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар давом этирилмоқда.

Хулоса. Липой кислотанинг 2-гидроксипропил β-циклодекстрин - билан супрамолекуляр бирикма ҳосил қилиш ҳисобига барқарор коллоид эритма олишнинг оптимал шароитлари аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар :

1. [Caroline Deckmann Nicolettia Marcellade Sá Haddad Queiroza Carolina Guimarães de Souza LimabFernandode Carvalho da SilvabDedora OmenaFuturoaVitor FranciscoFerreira.](#) An improved method for the preparation of β-lapachone:2-hydroxypropyl-β-cyclodextrin inclusion complexes
2. [AndreaDoderoaGuySchlatterbAnneHébraudbSilviaViciniaMailaCastellanoa.](#) Polymer-free cyclodextrin and natural polymer-cyclodextrin electrospun nanofibers: A comprehensive review on current applications and future perspectives
3. [YaoHubcChaoQiubcYangQinabXuemingXuabcLiupingFanbJinpengWangabcZhengyuJin.](#) Cyclodextrin-phytochemical inclusion complexes: Promising food materials with targeted nutrition and functionality

ЙОДНИНГ СУВДА ЭРУВЧАН СУПРАМОЛЕКУЛЯР БИРИКМАСИ СИНТЕЗИ

*Шарипов А.Т. ф.ф.д., доцент, Мирзохидова М.М. ЎзМУ талабаси
Тошкент фармацевтика институти, Тошкент шаҳри., Ўзбекистон Республикаси
e-mail: sharipov.avez@gmail.com ,*

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотларга кўра, ер юзида 2 миллиардга яқин киши йод танқис ҳудудларда истиқомат қилади ва ер юзи бўйича 665 миллиондан ортиқ одам эндемик бўқоқ ва қалқонсимон безнинг бошқа касалликларидан азият чекмоқда. 1,5 миллиард инсон эса йод танқислиги хасталиклари ривожланиш хавфига эга. Йод етишмаслиги бир қатор касалликлар, жумладан, эндемик буқоққа олиб келади. Йод танқислигини олдини олиш ва даволаш учун йод ва унинг бирикмалари асосида кўплаб биофаол бирикмалар олинган ва тиббиёт амалиётида қўлланилиб келинмоқда. Лекин йоднинг сувда эрийдиган ва юқори биологик фаолиққа эга сувда эрувчан супрамолекуляр бирикмалари олинмаган.

Ишнинг мақсади. 2-гидроксипропил-β-циклодекстрин билан комплекслаш орқали йоднинг сувда эрувчан супрамолекуляр бирикмасини олиш ва идентификациялаш.